



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 13 октябрь, № 222 (8284)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 12 октябрь куни амалий ташриф билан Остона шахрига келди.

Давлатимиз раҳбарини аэро-портда Қозоғистон Бош вазири А. Смайлов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Президентимиз хорижий делегациялар раҳбарлари билан бирга Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Остона сам-

митига бағишланган концерт-ни томоша қилди.

«Остона опера» театрида бўлиб ўтган концертда қозоқ миллий куй-қўшиқлари, классик симфониялар, опера ва балетдан намуналар ижро этилди. Уларда эзулик, дўстлик, тинчлик каби умумбашарий қад-

риятлар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон етакчиси 13-14 октябрь кунлари Остонада икки-та саммит — Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенга-шининг мажлисларида ишти-

рок этиб, нутқ сўзлайди.

Саммитлар кун тартибига ўзаро савдони кўпайтириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш, самарали транспорт коммуникацияларини шакллантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқлим ўзгаришига қарши

курашиш масалалари киритилган.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президенти ҳамкор мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама музокаралар ҳам ўтказди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ХОМАШЁ УЗЛУКСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, “божхона ҳудудидида қайта ишлаш” божхона режимини янада соддалаштириш, саноат корхоналарининг хомашё таъминотини яхшилаш мақсадида:

1. 2025 йил 1 январга қадар 1-иловага мувофиқ хомашё ва яримтайёр маҳсулотларга импорт божхона божини **ноль ставкада** қўлланилсин.

2. Белгилансинки, “божхона ҳудудидида қайта ишлаш” божхона режимини доирасида барча ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига **божхона тўловлари тўланишини таъминлаш талаби бекор қилинади**.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилишда божхона божини ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган, ўқшаши республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар рўйхатида 2-иловага мувофиқ технологик асбоб-ускуналар киритилсин.

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли-

ги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2023 йил 1 январдан бошлаб:

асбоб-ускуналар (қурилмалар, механизмлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар) сотиб олиш (сотиш) бўйича шартномада (контрактда) уларни **монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари, ходимларни ўқитиш хизматлари ва бошқа шу каби хизматлар қиймати** алоҳида кўрсатилмаган ҳолларда норезидентнинг солиқ солинадиган даромадини ушбу хизматларнинг **бозор қийматидан** келиб чиқиб ҳисоблаш тўғрисидаги; мазкур турдаги шартномалар (контрактлар) бўйича монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш хизматлари, ходимларни ўқитиш хизматлари ва бошқа шу каби хизматлар кўрсатганлик учун норезидентнинг солиқ солинадиган даромадини шартнома объекти қийматининг 20 фоизига тенг деб ҳисоблашнинг **амалдаги тартибини бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин**.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси би-

лан биргаликда икки ой муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига: республика ҳудудига импорт қилишда божхона божини ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган технологик асбоб-ускуналар рўйхати киритилган, **бирок ишлаб чиқарила-нига уч йилдан кўп бўлган** айрим техноло-гик асбоб-ускуналар рўйхатини фақат божхона божидан озод қилиш шартини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги “Экспортчи корхона-ларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6306-сон Фармони 3-бандининг учинчи хатбошида назарда тутилган норма келиб чиқиб сертификати асо-сида ҳам қўлланиладиган юқори сифат ва на-зорат тизимига эга мамлакатларни белгилаш; мувофиқлик сертификатини тақдим этмаган

ҳолда, уни божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида ўрнатилган тартибда олиш шартини, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган маҳсулотларнинг божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга йўл қўйиладиган ҳолатлар рўйхатини (импорт қилувчининг қафолат хати асосида) тасдиқлаш ваколати берилсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 октябрь

Халқ билан мулоқот

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Аввал хабар берилганидек, айни кунларда сенаторлар бошчилигидаги ишчи гуруҳлар Сенат Кенгашнинг 2022 йил 28 сентябрдаги қарорига асосан ҳудудларда репродуктив саломатлиқни сақлаш ҳамда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганмоқда.

Хусусан, Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонава, Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тўшмухамедова бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи аъзолари Тошкент тумани тиббиёт бирлаш-маси марказий шифохонаси бўлимлари, жумладан, вақтин-чалик ташкил этилган 30 ўрин-ли туғуруқ бўлими фаолияти билан танишди. Шу билан бирга, туғуруқ комплексидида амалга оширилаётган капи-

тал таъмирлаш ишлари кўздан кечирилди.

Ишчи гуруҳ Тошкент вилояти перинатал маркази, вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Чир-чиқ шаҳар кўп тармоқли мар-казий поликлиникасида ҳам бўлди.

Шу жараёнда аниқланган камчиликларни ҳал этиш, уларнинг оқибати эмас, бал-ки келтириб чиқарувчи сабаб-лари билан курашиш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсия-лар берилди.



Қонунчилик палатасида

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган ййигилишида Қишлоқ ҳўжалиги, Сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг “Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг бажарилиши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамла-катимизда қишлоқ ҳўжалиги ерларининг сифатини яхши-лаш, янги экин майдонлари-ни ўзлаштириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларга қарамасдан, ерлар-дан ҳўжасизларча фойдала-ниш, ноқонуний ер ажратиш, сотиш, рўхсатсиз қурилиш-ларни амалга ошириш ҳамда ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказмаслик би-лан боғлиқ ҳолатлар кўплаб аниқланмоқда.

Жумладан, ўтган даврда 3038 гектар ер майдонлари-да ноқонуний ҳолатлар аниқ-ланиб, ҳокимликлар ва про-куратура органларига 66 та маълумотнома киритилган.



Биз ва жаҳон

МДҲ ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашнинг ййигилиши ҳамда “Россия — Марказий Осиё” форматидидаги учрашувда иштирок этади.

Маълумки, МДҲ ташкил топганидан буён Ўзбекистон савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни тенг ва ўзаро манфаатли асосда мус-таҳкамлашнинг тарафдори бўлиб келмоқда.

МДҲ доирасида Ўзбекистон мақсадли вазифалари миллий манфаатларга жавоб беради-ган ва давлатимиз учун ама-лий қизиқishi уйғотадиган Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кен-гаши, Иқтисодий кенгаш, Пар-ламентлараро Ассамблея, шу-нингдек, тармоқ тузилмалари

(Мудофаа, Ички ишлар, Бош прокурорлар, Махсус хизмат-лар, Маданият, Соғлиқни сақ-лаш, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлари кенгашлари, божхона, солиқ идоралари, те-мир йўл маъмуриятлари, ста-тистик хизматлар, агросаноат мажмуаси раҳбарлари ва бошқалар) фаолиятида изчил қатнашиб келмоқда.

2017 йилдан бошлаб Ўзе-бекистон Ҳамдўстлик фаолияти-даги иштирокини сезиларли даражада фаоллаштирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2017—2021 йи-ларда МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши ййигилишларидаги иш-тироки якунлари бўйича им-золанган ҳужжатлар ва Ўзе-бе-

кистон томонидан илгари су-рилган 100 дан ортиқ ташаб-бусларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъмин-лаш мақсадида “Йўл харита-лари” қабул қилинган.

2018 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси МДҲга аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамб-леяси тўғрисидаги Конвен-цияга қўшилди.

2020 йилда Ўзбекистон МДҲга раислик қилди. Раис-лик давомида 50 дан ортиқ тадбирлар, шу жумладан, он-лайн шаклдаги Давлат раҳбар-лари кенгаши, Ҳукумат раҳбар-лари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Иқтисодий кенгаш ва бошқа анжуманлар бўлиб ўтди. Йил давомида Ўзбекистон БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар до-ирасидаги турли тадбирларда МДҲ номидан иштирок этди. БМТ Бош Ассамблеясининг

2020 йил ноябрь ойида БМТ ва МДҲ ўртасидаги ҳамкор-лик тўғрисидаги резолюцияси ташаббуси илгари сурилиб, ушбу ҳужжатнинг бир овоздан қабул қилиниши таъминланди.

Президентимиз 2020 йилги онлайн-саммитда раис сифа-тида сўзга чиқиб, пандемия таъсири шароитида иқтисо-диётни, савдо ва ҳамкорлик алоқаларини тезроқ тиклаш, “яшил” ва соддалаштирилган йўлақлар амалиётини кенг жо-рий қилиш, Ҳамдўстлик дои-расида ягона электрон тижо-ратни ривожлантириш учун платформа ва “Йўл харитаси”-ни қабул қилиш устувор вази-фа эканини қайд этди. Сама-рали мониторинг тизимини шакллантириш ва санитария-эпидемиологик фавқулодда вазиятларга олдиндан жавоб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.



Таҳлил

ТАЪЛИМНИНГ САМАРАЛИ ВА ЖОЗИБАДОР ШАКЛИ



Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, соҳалар кесимида барча ҳудудда кенг қўламли ислохотлар олиб бориш кўп жиҳатдан жойлардаги миллий кадрлар салоҳияти, яъни инсон капитали ривожини боғлиқдир.

Инсон капитали — бу инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар захираси бўлиб, ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омил.

Жамиятда инсон капиталининг шаклланиши она қорнида индивиднинг соғлом ривожланиши, унинг туғилиши, инсон ва шахс даражасида камол топиши каби жуда кўп омиллар таъсиридаги мураккаб жараёнларни қамраб олади. Тинчлик-осойишталик, она ва бола саломатлигига йўналтирилган давлатнинг кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, оиладаги соғлом муҳит, аҳолининг мактабгача таълим, мактаб ва бошқа ўқув турларини ўзида мужассамлаштирган узлуқсиз таълим-тарбия тизими билан қамраб олиниши ҳамда уларнинг сифат ва самарадорлиги шулар жумласидандир.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари доимий тарзда ўз ҳудудида тадбиркорлик субъектлари учун ўтказиладиган кўргазма ярмаркаси доирасида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг ўз махсулотлари билан иштирок этишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари мазкур бандда белгиланган вазифалар ўз муддатида ва сифатли бажарилиши ҳамда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг фаолиятига қўмаклашиш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин, шунингдек, амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритиб босин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қўйидаги тақлифлари маъқулансин:

а) **2023 йил 1 январга қадар** ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан **ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг ягона реестри** (кейинги ўринларда — Реестр) юритилишини ташкил этиш;

Бунда Реестр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида юритилади, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан

ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви асосида шакллантирилади ва янгилаб борилади;

б) тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари ва шaroитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларининг **меҳнат шaroитлари юзасидан давлат экспертизаси хулосасини талаб қилиш тартибини бекор қилиш**.

6. Белгилансинки, **2023 йил 1 январдан** бошлаб давлат харидлари доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб **режа-жадвалларидаги харид предмети ҳажмининг камида 10 фоизи миқдорида** жойлашган ҳудуди бўйича тегишлича Реестрга киритилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни шартнома асосида сотиб олади.

Бунда барча давлат буюртмачилари ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан харид қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг ёки юқори турувчи ташкилотларининг расмий веб-сайтида доимий равишда жойлаштириб боради.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қoшидаги Рақамли трансформация маркази **бир ой муддатда** Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ва улар томонидан **ишлаб чиқарилаётган махсулотлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи бўлимини ишга** тўширсин.

8. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи охишлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон қарлар жамиятининг **2022 йил давомида тажриба тарикасида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган ҳудудларда** ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмаклашиш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Имкониятлар маркази” фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, “Имкониятлар маркази”: ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда **ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони** сифатида фаолият юритади; ногиронлиги бўлган шахслар билан дастлабки суҳбатлар ўтказиб, уларнинг **қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунарга** ўқитишга қўмаклашади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) “Имкониятлар маркази” фаолиятини ташкил этиш учун Нукус туманидаги Кердер саноат транспорт касб-ҳунар коллежи ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказидан зарур хоналар ажратсин.

9. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи охишлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон қарлар жамиятининг талабномаларига асосан Транспорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг **жойлашуvidан келиб чиқиб, мавжуд жамоат**

транспорти йўналишларига ўзгартиришлар киритиш ёки янгиларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар фаолияти ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган махсулотлар, шунингдек, ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет тармоғида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ўшб қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазистри Н.Б.Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 октябрь

МДҲ ДОИРАСИДАГИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

◀1

Мустақил Давлатлар Ҳам-дўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг 2021 йил 15 ок-тябрь куни видеоконференция шакли-да бўлиб ўтган юбилей йиғилишида Президент Шавкат Мирзиёев МДҲ до-ирасидаги шериклики мустаҳкамлаш-нинг асосий йўналишлари ҳақидаги қарашларини илгари сурди. Улар ора-сида МДҲ мамлакатларида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, МДҲ маконида эркин савдо зонасининг тўлиқ ишлаши, самарали ҳудудлараро ва қитъалараро транспорт коридорлари ти-зимини ривожлантириш, қўшма инно-вация дастурларини фаол тарғиб қилиш ва бошланғич лойиҳаларни қўллаб-қув-ватлаш, МДҲ Иқтисодий кенгаши фео-

литияни кучайтириш, иқлим ўзгариши-га қарши курашиш ва “яшин” кун тар-тибини илгари суриш, биохавфсизлик-ни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар-ни бирлаштириш, меҳнат бозорини ях-шилаш, ўзаро сэйёҳлик оқимини тик-лаш ва маданий-гуманитар алмашув-ни кенгайтириш, терроризм ва гийё-ванд моддалар савдосига қарши ку-рашда ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш каби йўналишларни келтириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-лан жорий йилда МДҲ ҳудудида иқтисо-дий кун тартибидagi асосий масала си-фатида саноат кооперациясини ривож-лантиришни белгилаш тақлиф этилди.

МДҲнинг навбатдаги саммити Қозо-ғистон раислигида ўтказилмоқда. 2020 йил-

дан буён бу форматдаги учрашув илк бор юзма-юз учрашув шаклида ўтка-зилади ва унинг кун тартиби бой бўли-ш қулимоқда. Давлат раҳбарлари Ҳам-дўстлик доирасида давлатлараро ҳам-корлик ва иқтисодий алоқаларни рив-ожлантириш, хавфсизлиқни таъмин-лашга оид долзарб масалаларни кўриб чиқиши қулимоқда. Мазкур йўналиш-ларда қатор ҳужжатлар имзоланади.

Ўз навбатида, давлат раҳбарлари “Марказий Осиё — Россия” формати-да илк бор учрашади.

Аввалроқ, ташқи ишлар вазирлари даражасида ушбу шаклда беш марта учрашув бўлиб ўтган, улардан бирин-чиси 2019 йил 5 апрель куни Москва шаҳрида ташкил этилган. Уларда мин-

тақавий ҳамкорлиқнинг қатор масала-лари муҳкама қилинган. Евроосиё ма-конидagi интеграция жараёнларида, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш мавзусига эътибор қаратилган эди.

Тадбир кун тартибига олти томон-лама шаклдаги ҳамкорлик истиқболла-ри, минтақавий хавфсизлик, савдо-иқти-содий алоқалар, шу жумладан, умумий савдо-иқтисодий ва бошқа манфаат-ларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари билан боғлиқ масалалар киритилган.

Саммит якунлари бўйича ишти-рокчи давлатлар раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши режалаштирилган.

«Дунё» АА.

ЭНДИ МАҲАЛЛАНИНГ ҲАМ ЎЗ «БЮДЖЕТИ» БЎЛАДИ

Халқимизда “Топпанинг тўйларга буюрсин”, деган доно ҳикмат бор. Унинг замирида нечоғли чуқур маъно борлиги давлатимиз раҳбари раислигида 11 октябрь куни маҳаллаларни обод қилиш ва аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилди.

■ Акс садо

Унда давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосига мустақил ечим топиш учун келгу-си йилдан “Маҳалла бюджети” ти-зими жорий этилишини эълон қилди.

Ҳар бир вилоятнинг солиқ ўнди-рилиши паст бўлган биттадан ту-манида, тажриба тарикасида, аҳолининг мол-мулк ва ер солиғи-ни ундириш маҳалланинг ўзига ўтказилади. Бундан тушган маблағ “Маҳалла бюджети”га тушади. Бу дегани, маҳалла ўзини мустақил та-сарруф этади, шу ҳудудда тўлана-диган солиқ, таъбир жоиз бўлса, ўзининг “чўнтағи”да қолади.

Бу янгича тизимнинг нечоғли катта аҳамиятга эгалиги ҳақида айтадиган бўлсак, илгари маҳал-ла мутасаддилари ўз ҳисоб рақа-мида ўзлари тасарруф этадиган маблағ йўқлиги учун факат ҳомий-лар ёрдамига кўз тикиб туришар эди. Эндиликда маҳалла ўз бюд-жетига эга, дасти узун бир таш-килотга айланади.

Бундан кўзланган мақсад бит-та. У ҳам бўлса, қишлоқларда яшаётган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартар-аф этиш, одамлар учун қулай яшаш шaroитлари яратиш, улар-ни ҳаётидан рози қилишдек, улгу-вор ният мужассам. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда ҳар доим ислохотлар натижасини одамлар ўз ҳаётида, маҳалласида сезиши муҳимлиги-ни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу маънода, жорий йилги дас-турлар доирасида 4 минг 100 та маҳаллани обод қилиш, болалар богчаси, мактаб, соғлиқни сақлаш, сув, электр, канализация билан боғлиқ муаммоларини ҳал этишга бюджетдан қарийб 29 триллион сўм маблағ ажратилиши айтилди. Бунинг эъазига 434 та маҳаллада ички йўллар таъмирланди. 672 та маҳаллага ичимлик суви тармоғи тортилди. 34 та янги мактаб бар-по қилинди, 338 таси реконстр-кциядан чиқарилиб, 360 таси таъ-

Ишчи гуруҳ йиғилиши

ЕР МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР ИЖРОСИ ВА НАЗОРАТ

Парламент юқори палатасининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши қўмитаси ҳамда Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан прокурор назорати ҳолатини ҳудудларда ўрганиш режалаштирилган.

Шу мақсадда тузилган қўмита қoшидаги ишчи гуруҳ-нинг таркибига сенаторлар, комиссия аъзолари ҳамда те-гуриши вазирлик ва идоралар-нинг масъул ходимлари кири-тилган.

Кеча мазкур ишчи гуруҳнинг

таълими ва олий таълим со-ҳалари идора ва муассасала-рига тегишли бўлган ер участкалари хатловининг қону-нийлиги ва белгиланган mud-датларда ўтказилганлиги ҳамда уларга тегишли ер участкала-ридан мақсадли ва оқилона фойдаланилишига жиддий эътибор қаратилди.

Тадбирда ўрганишни Навоий вилоятида ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилди ва те-гишли вазифалар белгиланди.

«Халқ сўзи».

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИШЛАРИ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

◀1

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалала-ри қўмитаси аъзоси Гулнора Маъруфова бош-чилигидаги ишчи гуруҳи томонидан Фарғона вилоятида олиб борилаётган ўрганишлар ҳам айни шу мақсадга йўналтирилган.

Дастлаб сенатор иштирокида ўрганишлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, мазкур соҳалар-даги ишлар ҳолатини муҳокама қилиш мақсади-да халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши котибиятида ташкилий йиғилиш ўтказилди.

Сўнгра ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудларга бўлинган ҳолда иш олиб борди. Ўрганишнинг биринчи кунида ишчи гуруҳ аъзолари 8 та ту-

ман ва шаҳардаги аҳолининг репродуктив сало-матлигини мустаҳкамлашга доир қонунчи-лик ҳужжатлари ижросига алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, тузуруқ муассасаларида сифатли тиб-бий хизмат кўрсатиш учун яратилган шaroит-лар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган-лик ва кадрлар салоҳияти чуқур таҳлил этилди.

Хусусан, “Онко-назорат” хоналари, “Аёллар маслаҳатхонаси” ҳамда “Она-бола тиббиёт кластери” хоналари фаолиятидаги мавжуд му-аммолар мутасаддиларга етказилиб, ечими юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

«Халқ сўзи».

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

◀1

Қайд этилганидек, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини суғоришга яроқли бўлган ер ости сувлари заҳи-расини аниқлаш учун 2020 йил-да 10 та лойиҳа доирасида 58 млрд сўм, 2021 йилда 11 лойиҳа доирасида 19,4 млрд. сўм маблағлар ўзлаштирилган. 2022 йилда 11 вилоятни қамраб олувчи битта лойиҳа доирасида 28,7 млрд. сўм белгиланган бўлиб, жорий йил 1 август ҳолатига 17,8 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилган.

Шунингдек, тупроқ эрозия-си ва деградацияси, шaмол ва

гармселдан муҳофаза қилиш мақсадида 2019 — 2021 йил-ларда жами 609 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. Шундан Оролбўйи ҳудудларида 589 минг гектар ва қуриган денгиз ҳудудида 458 минг гектар, ёнғоқмева-лилар 8 минг гектарда экил-ган. Шу йил бaҳор мавсумида 215 минг гектарда ўрмонзор-лар барпо қилинди. Шундан Оролбўйи ҳудудларида 208 минг гектар, ёнғоқмевалилар эса 2,2 минг гектарда экилган.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда депутатлар ҳар бир вазирлик ҳамда идо-ралар қишлоқ ҳўжалигида ер

ва сув ресурсларидан сaма-ралли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиши зарурлиги, ерларни муҳофаза қилиш ҳамда зарарланишининг олди-ни олиш бўйича вақтида чора-ларни белгилаш юзасидан так-лифлар беришди.

Халқ вакиллари вазирлик ва идораларнинг ер ва сув ре-сурсларидан самарали фойда-ланиш ижроси тўғрисидаги ҳисobotларини тизимли назо-ратга олиб боришни алоҳида қайт айтилди. Кун тартибидa-ги масалалар юзасидан қўми-танинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХОДИМЛАР УЧУН ХАВФСИЗ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ЯРАТИЛИШИ КЕРАК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Меҳнат ва иқтимоий масалалар қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

■ Эшитув

Унда Бандлик ва меҳнат муносаба-тлари ҳамда Адлия вазирликлари, Бош прокуратура, Ўзбекистон касаба ую-малари Федерацияси, Президент ҳузу-ридаги Давлат хизматини ривожланти-риш агентлигининг “Ходимларнинг меҳ-нат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шaroитларини таъ-минлаш борасида ўтган давр мобайни-да амалга оширилган ишлар тўғриси-да”ги ахборотлари эшитилди.

барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришилишини таъминлаш юзасидан Хукуматнинг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳа-си-даги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу мақсад ва вазифаларнинг ба-жарилиши устидан Қонунчилик палата-си қўмиталари томонидан тизимли ва мунтазам равишда парламент назора-ти тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилиш-да депутатлар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз меҳнат шaroитларини таъ-

минлашга оид қонун ҳужжатлари ижро-сига эришиш, қонунчилик нормалари бу-зилишининг олдини олиш, ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш, муносиб ва адолатли меҳнат шaroит-ларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши усти-дан жамоатчилик назоратини кучайти-риш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиё-тида юзага келаётган масалалар ва уларни ҳал этишга қаратилган тақлиф-лар ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқла-рини таъминлаш ва бузилишининг ол-дини олиш бўйича ҳуқуқий таъсир чора-ларини кучайтириш юзасидан тавсия-лар муҳокама қилинди.

Тадбирда депутатлар соҳада амалга

оширилган ишларни эътироф этиб, му-тасадди ташкилотларга меҳнат ҳуқуқла-рининг ҳимоя қилиниши ва хавфсиз меҳ-нат шaroитларини таъминлаш бўйича жойларда раҳбар ходимларнинг хабар-дорлик даражасини ошириш, ушбу со-ҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳия-тини ходимлар ўртасида кенг тушунти-риш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсиз меҳнат шaroитларини таъмин-лаш чораларини кучайтириш бўйича так-лифлар берди.

Йиғилишда билдирилган фикр-муло-ҳаза ва тақлифлар кўриб чиқилиб, қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХАЗОНРЕЗГИ: МУАММО БОР, ЕЧИМ-ЧИ?

Дарахтларнинг табиат ва инсон ҳаётида қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши биламиз. Хусусан, яшил олам шаҳар ҳавосини 2 — 8 даражага салкинроқ, битта дарахт эса йилига 15 минг литргача сувни тупроқда сақлайди. Қолаверса, дарахтларнинг атроф-муҳитга бераётган фойдаси туфайли мегаполислар ҳар йили 150 миллион долларга яқин маблагни тежайди.

Фикр

Умуман, дарахтлар ҳар доим табиатга, инсониятга фойда келтирган. Сосяи жонга, меваси танга дармон. Лекин ҳар бир фаслнинг ўз хусусияти бор. Куз фасли келиши билан дарахтлар ўзининг яшил оламини ҳазонрезилликка бўшапти беради. Айни куз фаслида аҳолини дарахтлардан тўкилаётган баргларни йиғиш-ташиш ишлари ташвишга солади. Шунингдек, уни ёқиб юбориш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Келинг, шу ўринда ёнган ҳазоннинг нечоғли зарарли эканини статистик маълумотлар орқали таҳлил қилиб кўрайлик. Бир тонна ҳазон ёқилганда, атмосферага 30 кг. углерод оксиди ажралиб чиқади. Бундан ташқари, инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга зарар етказувчи бошқа моддалар, яъни олтингугурт ангидриди, қурум, азот оксиди ва мураккаб таркибли органик бирикмалар — диоксинлар ҳам ташланади. Ҳазондан чиқаётган тугун атмосфера таркибидagi кислород миқдорини камайтиради. Айниқса, чала ёнган ҳазон ўзидан заҳарли газ чиқаради.

Мутахассислар фикрича, зарарли моддаларга тўйинган ҳаводан нафас олган кишининг нафас йўллари, кўзи ҳамда марказий асаб тизими шикастланади. Шу билан бирга, организмда ўпка саратони, бронхиял астма каби касалликлар келиб чиқиш хавфи ортади. Ҳазонни ёқишдан келадиган зарарли тугун, айниқса, болалар, юрак-қон томир, нафас олиш йўллари хас-

таликларига чалинган ҳамда аллергияси бор инсонларга кўпроқ салбий таъсир этади.

Шуни унутмаслик керакки, कोरोनाвирус пандемияси шароитида атмосферанинг турли моддалар билан ифлосланиши, ушбу касаллик билан касалланганлар, тузалиб чиққанлар учун нихоятда зарарлидир. Шундай экан, атмосфери муҳофаза қилиш талабларига қатъий риоя этиш атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва инсон саломатлигини ҳимоялашда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасида “Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, ҳазон ва шох-шаббаларни ёқи ки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бара-варидан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бара-варидан жўна бараваригача миқдор-да ҳарима солишига сабаб бўлади”, дея алоҳида қайд этилган.

Бундан ташқари, ёнғин содир бўлиши оқибатларида кўра, жиноий жавобгарлик ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқиб, фуқаролар, маҳалла фаоллари соғлом экологик вазиятни сақлаш ишларидаан чет-да қолмаслиги лозим. Экологик қондаларни бузган шахслар аниқ-ланишида маҳалла фаолларининг роли жуда ҳам муҳим. Олиб бори-лаётган тадбирлар натижаси йил-



дан-йилга ҳазон ва шох-шабба-лар ҳамда ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш ҳолат-лари камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бироқ бу орада амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар ҳам мавжуд. Бу бир неча омилларга боғлиқдир:

Биринчидан, тегишли мутасад-ди идора ва ташкилотлар томони-дан ҳазон ёқишнинг ўз вақтида ол-дини олиш бўйича чора-тадбир амалга оширилиши лозим. Хусу-сан, ҳазонларни йиғиб, мутасадди ташкилотлар кўмагида шаҳар ташқарисига тегишли жойларга ташлаш;

Иккинчидан, кесилган шох-шаб-баларни қайта ишлаш натижасида турли қурилиш материаллари ва брикетлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Учинчидан, дарахтлардан тўкил-ган ҳазонларни алоҳида ажратил-ган ҳолда йиғиб олиш натижасида улардан ўғитлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

Тўртинчидан, аҳоли пунктлари-ни ободонлаштириш ва кўкалам-зорлаштиришда, экологик талаб-ларга қатъий риоя қилиш ва ту-маннинг географик жойлашувидан келиб чиқган ҳолда атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш ва ин-сон саломатлиги учун мақбул бўлган ўсимлик ва дарахт турла-рини экишга алоҳида эътибор қаратиш;

Бешинчидан, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзор-лаштириш ишларида экологик

ҳашарлар ўтказилиб, аввало, эко-логик тозаликни таъминлаш, чиқиндиҳоналарни озода сақлаш, бунда айниқса, жамоатчилик на-зоратини қўлайтириш масалалари-га алоҳида эътибор бериш;

Олтинчидан, аҳолининг эколо-гик маданиятини ошириш, омма-вий ахборот воситалари орқали улар ўртасида тушунтириш ишла-рини олиб бориш экологик қоида-бузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Айни чоғда бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган маса-лалардан яна бири, бу — соҳада қонунчилики такомиллаштириш-дир. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонун-лар қабул қилиш, жумладан, Ўзбе-кистон Республикасининг Эколо-гик кодексини ишлаб чиқиш бо-расида ишларни жадаллик билан олиб бормоқда.

Асосийси, соҳада қонунчилики янада такомиллаштириш экологик фаровонлики таъминлаш, жами-ятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси, келажақ авлодининг мусоффо муҳитда яшаш ҳуқуқини қамоқлатлашга хизмат қилад.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ТИЛИМИЗНИНГ СОФЛИГИНИ САҚЛАШ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚ

Биз азалий қадриятлар, миллий ўзлик, уларни асраб-авайлаш ҳақида куйиниб гапирамиз. Аслида уларни аждодлардан-авлодларга олиб ўтгувчи ҳам, борлигини намоён қилгувчи ҳам, мозийни келажакка етаклаб келгувчи ҳам миллий тилдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунёда ҳозирги кунда олти мингга яқин тиллар бор, айрим манбаларда 5600 атрофда эканлиги қайд қилинади. Бу маълумотларнинг турлича эканлигига сабаб бугун мунтазам равишда айрим тиллар талаффуздан чиқиб кетмоқда. Бу нима дегани? Бу ўша мулоқот воситаларидан ҳеч ким жонли фойдаланмайдиган, “ўлик” тиллар сафига қўшилиётганини аңглатади.

Умуман олганда, тиллар нега йўқолади? Бунинг бир неча сабаби бор. Биринчиси, мустамлакачилик. Бир босқинчи миллат иккинчисини маҳв этгач, миллий ёзуви, атамала-ри, анъаналарини йўқ қилиш синга-ри турли усуллар билан қўл остида-ги мамлакатда ўз тилини сингдири-ди. Тарихда бундай ҳолатлар, аф-суски, кўплаб содир бўлган.

Иккинчиси, экологик миграция ту-файли бир халқ бошқа ҳудудга кўчиб ўтиб, аста-секин борган жой тилида сўзлаша бориши оқибатида ўз ти-лини унутди.

Учинчиси, маълум бир тилда сўзла-шувчи халқ заво л топади, қирилиб кетади. Баъзан тили бор-у, ёзуви бўлмаган халқларнинг тили ҳам йўқо-лади. Масалан, мутахассислар бугун турли тилда сўзлашадиган Африка халқларининг саксон фоизи ўз ёзу-ви-га эга эмаслигини қайд этишди.

Олимлар муайян тил сақланиб қолиши учун унда камида миллион нафар одам сўзлашиши керак, дея эътироф этишди. Мана шундай тил-лар бугун олти мингга яқин тиллар-нинг икки юз элликтасигина экан. Шу икки юз эллик лисон орасида

сини ифодалайди. Фикримизни ифо-далашда қаеридадир “тортиниш” сўзи мос тушса, қаеридадир “қимтиниш” сўзи узукқа кўз қўйгандек ярашади. Бу ҳам ўзбек тилининг серқатлам-лиги, нафосати ҳай-ратланарли даража-да эканидан дало-латдир.

Хорижий сўзларни аралаштириб гапи-риш она тилига ҳур-матсизлик саналади. Ақсинча, давлат ти-лини яхши билган киши ҳар қандай эхтиромга лойиқ. Бироқ яқинда олий ўқув юр்தлари-га қабул жараёнида бу-нинг ақсини кўрган-дек бўлдик. Яъни инглиз тилини били-шини исботлайдиган “патта”си бўлмагани учун кўпгина билим-ли ёшлар магистрату-рага ҳужжат топ-шира олишмади. На-тижада ажратилган ўринлар бўш қолиб кетди.

Бу билан болаларимизнинг чет тилини ўрганишига қаршимиз, демоқчи эмасмиз. Ўнаб тилини ўрганишин, фарзандларимиз. Бун-дан фақат қувонамиз. Лекин “Хо-рижий тилни билмасанг, ўз юр-тингда, ўз она тилингда сабоқ бе-риладиган ўқув муассасасида олий таълимни давом эттиролмайсан”, дейиш нафақат давлат тилига, балки умуминсоний қад-риятларга беҳур-матлик эмасми?

Яқинда чет элга ўқишга кетаётган ёшларни суҳбатдан ўтказдик. Инглиз тили, француз тили, рус тилини суздай ичиб юборишган. Савол берсангиз, масалан, “Ўзбек ти-лига қачон давлат тили мақоми берил-ган?” деб сўрасан-гиз, айримлари “Ўзбекчада қийна-

Умуман олганда, биз қаерда ўзбекча, қаерда хорижий тилда ёзиш ёки гапириш лозимлигини яхши би-либ олишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги Фармони-га асосан, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди. Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-декснинг 42-моддасида фуқаролар-нинг тарбия ва таълим беришда тил-ни эркин танлашдан иборат ҳуқуқла-рини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикасида яшовчи бошқа миллат-лар ва элатларнинг тилларини мен-симаслик — базавий ҳисоблаш миқ-дорининг бир бараваридан икки ба-раваригача миқдорда жарима солиш-га сабаб бўлади, дейилган. Бугунги кунда департамент қандай ҳолатлар-да давлат тилига нисбатан ҳурмат-сизлик кўрсатилаётгани мезонлари-ни ишлаб чиқиши керак. Яъни “мен-симаслик” деганда қандай ҳолатлар назарда тутилиши аниқлаштирилиши лозим.

Аслида она тилига нисбатан эътиборсизлик, ҳурматсизлик, бу — мил-лий гурур етишмаслигининг белгиси. Миллий гурури сўниқ миллатнинг келажаги бўлмайди. Ҳамжихатлик, миллий бирлик, аҳиллик заво л топади. Бизни бугунги ёру қунарларча етаклаб келган, ўтмишимизни, ўзлиги-мизни аңглатган, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, аж-додларимиз меросларини асрлар силсиласидан олиб ўтган, онамиз ово-зида қулғимизга аллалар қўйган она тилимизни қадрлаш ҳар биримиз-нинг зиммаимиздаги шарафли вазифа бўлмоғи зарур.

Умуман олганда, биз қаерда ўзбекча, қаерда хорижий тилда ёзиш ёки гапириш лозимлигини яхши би-либ олишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги Фармони-га асосан, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди. Маъ-мурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-декснинг 42-моддасида фуқаролар-нинг тарбия ва таълим беришда тил-ни эркин танлашдан иборат ҳуқуқла-рини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Ўзбекистон Рес-публикасида яшовчи бошқа миллат-лар ва элатларнинг тилларини мен-симаслик — базавий ҳисоблаш миқ-дорининг бир бараваридан икки ба-раваригача миқдорда жарима солиш-га сабаб бўлади, дейилган. Бугунги кунда департамент қандай ҳолатлар-да давлат тилига нисбатан ҳурмат-сизлик кўрсатилаётгани мезонлари-ни ишлаб чиқиши керак. Яъни “мен-симаслик” деганда қандай ҳолатлар назарда тутилиши аниқлаштирилиши лозим.

Шоҳло АХРОРОВА,
Республика Маънавий ва маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Семинар

«ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА»НИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОРИЛИГИ

2026 йилга бориб Ўзбекистонда умумий қуввати 8 000 мегаваттга тенг бўлган қуёш ва шамол электр станциялари, 868 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станциялари ишга туширилади.

Бу ҳақда парламент қўйи палатасининг Саноат, қури-лиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш” мавзусида ўтқа-зилган семинарда маълум қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”, “яшил энергетика”ни ривож-лантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, 2021 йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Кармана туманида илк 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси, шу йилнинг май ойида Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида ҳам худди шундай навбатдаги станция ишга туширилди.

Бундан ташқари, 2024 йил якунига қадар умумий қуввати 1197 мегаватт бўлган 5 та, жумладан, Қора-қалпоғистон Республикасининг Қораўзак, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Жиззах вилоятининг Ғалла-орол, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон ва Навоий вилоятининг Нурота туманларида ҳам қуёш ва шамол электр станциялари фойдаланишга топширилади. 2024-2025 йилларда Бухоро вилоятининг Пешку ва Гиждувон туманларида, Навоий вилоятининг Томди ту-манида ҳам бирининг қуввати 500 мегаваттдан бўлган учта шамол электр станцияси ишга туширилади.

Президентимизнинг шу йил 9 сентябрдаги “Энер-гия теҳовчи технологиялари жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ри-вожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”ги Фармони билан соҳага энергия теҳовчи теҳ-нологияларни кенг жорий қилиш, “яшил энергия” ишлаб чиқаришни қўлайтириш мақсидида ҳисмоний шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қури-лмаларини уч йил мобайнида фоисиз бўлиб-бўлиб тўлган ҳолда сотиб олиш имконияти берилмоқда. Энг муҳими, уларни тўлиқ нарҳда сотиб олган ва ўрнатган фуқароларга харид ҳаражатларининг бир қисми ўрнатилган тартибда компенсация қилиниши ҳам белгиланяпти.

Семинар якунида соҳадаги ишларни янада жадал-лаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Юбилей медалларини ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари диққатига!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси «20 лет Региональной антитеррористической структуре Шанхайской организации сотрудничества» юбилей медалларини ишлаб чиқариш бўйича танлов эълон қилад.

Танловда барча хоҳловчилар иштирок этиши мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 78-120-43-73; моб.: 93-590-50-42.

Таклифларингизни қуйидаги электрон почтага юборишингизни сўраймиз: ecrats@mail.ru, ShSarimsakov72@gmail.com

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ БИЛИМЛАРНИ, МАЪНАВИЯТНИ БОЙИТАДИГАН КИТОБ

Пойтахтимизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаровнинг Расул алайҳиссалом ҳақаридаги “Тасадуқ, ё Расулуллоҳ!” китоби тақдими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

Тақдимот

Маросим анъанага кўра, Қуръони ка-рим тиловати ва хайрли дуолар ила бош-ланди. Дастлаб “Тасадуқ, ё Расулуллоҳ!” китобининг мазмун-моҳиятига бағишлан-ган видеолавҳа намойиш этилди.

Тадбирда Президентимиз томонидан диний-маърифий соҳа ривожы йўлида амалга оширилаётган кўламдор ишлар мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни янада муста-камлашда муҳим ўрин тутаётгани, барча дин вакилларига, хусусан, мўймин-мусул-монларга кенг имкониятлар яратётгани таъкидланди.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи ва-саллам ҳаёти тўғрисидаги “Тасадуқ, ё Расулуллоҳ!” китоби ҳам халқимизга, ху-сусан, диний соҳа ходимларига муносиб тўхфа бўлди.

— Рабиъул аввал ойи, улуғ айём кун-ларида нашр қилинган ушбу китобда Набий алайҳиссаломнинг таваллуд то-панларидан то Рафиқул аълога қўйрилган кунларига қадар ислом тарихида чуқур из қолдирган воқеалар баён этилган, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раи-сининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков. — Асар оддий халқ тушуна-диган содда тилда, раво н ва таъсирчан услубда ёзилган. Рисола ўқувчининг Расул алайҳиссаломга муҳаббатини яна-да қўлайтиради. Диний-маърифий билим-ларини, маънавиятнинг бойиатади. Муал-

лифнинг ол-динги “Ихлос — амаллар — ий н а т и”, “Исломда Ва-тан тушунчаси”, “Ҳаж буюқ ибодатдир”, “Умра — улуг амал”, “Нихоҳнома” каби китоблари ҳам юртдошларимиз томони-дан кўтаринки руҳда қутиб олинганди. Ушбу асарларда Ватан, оила, ота-она, меҳр-оқибат, диёнат тушунчаларининг моҳия-ти, муқаддаслиги, Ҳаж ва Умра зиёратла-рини адо қилишнинг тартиб-таомиллари, аҳкомлари, одоблари ҳақида сўз юритил-ган. Муфтий ҳазратнинг янги рисоласи ҳам юртдошларимизга манзур бўлишига ишонамиз.

Маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари иштирокида Расулул-лоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳаётла-рига оид ижодий чиқишлар тингланди. Шу-нингдек, сийрат мусобақаси ташкил эти-либ, унда Ташкент ислом институтининг иқтидорли талабалари Расулуллоҳ алайҳиссалом сийратлари бўйича ўзаро беллашшди.

Йиғилганларга “Тасадуқ, ё Расулуллоҳ!” китобидан тарқатилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов сўзга чиқди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).



TOSHKENT TO‘QIMACHILIK VA YENGIL SANOAT INSTITUTI

OLIY O‘QUV YURTIDAN KEYINGI TA‘LIM INSTITUTIGA 2023-YIL UCHUN QUYIDAGI IXTISOSLIKLAR BO‘YICHA QABUL E‘LON QILADI:

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD)			05.06.04 08.00.07 08.00.13 10.00.06	Tikuvchilik buyumlari texnologiyasi va kostyum dizayni Moliya, pul muomalasi va kredit Menejment Qiyosiy adabiyotshunoslik, chog‘ishtirma tilshunoslik va tarjimashunoslik	5 o‘rin 2 o‘rin 3 o‘rin 6 o‘rin
02.00.06 05.01.08 05.02.03 05.06.01 05.06.02 05.06.03	Yuqori molekulyar birikmalar Texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni avtomatlashtirish va boshqarish Texnologik mashinalar. Robotlar, mexatronika va robototexnika tizimlari To‘qimachilik va yengil sanoat ishlab chiqarishlari materialshunosligi To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish Teri, mo‘yna, poyabzal va teri-galantereya buyumlari texnologiyasi	2 o‘rin 3 o‘rin 3 o‘rin 4 o‘rin 20 o‘rin 4 o‘rin	05.06.02	To‘qimachilik materiallari texnologiyasi va xomashyoga dastlabki ishlov berish	1 o‘rin

TAYANCH DOKTORANTURA (PhD) va DOKTORANTURA (DSc) ga talabgorlar <http://phd.mininnovation.uz/> sayti orqali onlayn tarzda ro‘yxatdan o‘tadi va quyidagi hujjatlarni taqdim etadi:

- ariza;
- qisqacha biografik ma‘lumotnoma;
- mehnat daftrachasing belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi;
- oliy ma‘lumot, fan nomzodi yoki falsafa doktori (PhD) ilmiy darajaga ega bo‘lganligi to‘g‘risidagi diplom nusxasi (DScga talabgorlar uchun);
- oliy ta‘lim nuassasasi magistraturasi diplom, oliy ma‘lumot to‘g‘risidagi diplom nusxasi (PhDga talabgorlar uchun);
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro‘yxati, shuningdek ularning nusxalari;
- o‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasi (PhDga talabgorlar uchun);
- pasport nusxasi;
- IELTS guvohnoma nusxasi (PhDga talabgorlar uchun).

Tayanch doktoranturaga talabgorlar quyidagi fanlardan kirish imtihonlarini topshiradi:

- mutaxassislik;
- chet tili (ta‘limning oldingi darajalarida o‘rganilgan xorijiy til).

Hujjatlarni onlayn ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risida <http://phd.mininnovation.uz/> saytidagi yo‘riqnoma orqali tanishish mumkin.

Hujjatlarni qabul qilish muddati 2022-yil 15-oktabrgacha.

Murojaat uchun manzil: Toshkent shahri, Shohjahon ko‘chasi, 5-uy, Toshkent to‘qimachilik va yengil sanoat institutining 1-binosi, 204-xona, tel.: 71-253-08-08, 71-253-61-05, 90-808-27-81.

РЕКЛАМА

